# Тошкент ҳақиқати

№ 51 (10.628).

1994 йил 16 июль шанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустакиллиги кунининг уч йиллигини нишонлашга ўз вактида тайёргарлик кўриш, истиқлол ғояларини ҳар бир фуқаронинг тафаккурига етказиш, ёш авлодни юртпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашни янада кучайтириш, шунингдек, байрамни юксак ғоявий ва маданий-бадиий савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда:

Тошкент шаҳрида байрамни ўтказиш юзасидан ташкилий, маданий, маърифий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда мустақиллик кунининг юқори ғоявий-бадиий савияда уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:

Фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва жамғармалар миллий-маданий марказлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигини барча меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, аҳоли яшаш жойларда кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва уни тўлиғича амалга оширсинлар;

Республика мустакиллигини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўшиб, меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган фуқароларни давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида таклифлар киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 6 майдаги фармони асосида мустақиллик кунидан бошлаб "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари ҳамда тегишли пул ва маблағларини тантанали равишда топширишга алоҳида эътибор берсинлар.

3. Республика адлия ва ички ишлар вазирликлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда мустақилликнинг уч йиллиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларнинг айрим тоифаларига нисбатан умумий авф (амнистия) эълон қилиш тўғрисида таклифларини киритсинлар.

4. Давлат Матбуот қўмитаси ташкилий қўмита талабномаси асосида зарур босма маҳсулотларини нашр қилсин.

5. Давлат телерадиокомпанияси ва барча оммавий ахборот воситаларига мустақиллик кунини нишонлашга тайёргарликнинг боришини, мустақил Ўзбекистон давлатининг тикланиш тарихини, халқаро мавқеи ортиб бораётганини, халқимизнинг маънавий ва моддий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўрсатувлар, эшиттиришлар ва асарларни бериб бориш топширилсин.

6. Давлат кинокомпанияси Ўзбекистонда мустақиллик кунининг уч йиллигини нишонлашга бағишланган ҳужжатли-хроника фильмлар яратсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, пойтахтда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдим қилган ҳисоб-китоб асосида тенг улушларда республика ва шаҳар бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса маҳалллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Бир қатор йирик меҳнат жамоаларининг, республика хайрия жамғармаларининг ихтиёрий равишда байрам тадбирларини ўтказишга ўз ҳисобларидан маблағ ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 июль

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### К. Н. ТЎЛАГАНОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент шаҳри ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### К. Н. ТЎЛАГАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А. И. ФОЗИЛБЕКОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддасига мувофиқ:

Атҳамбек Иброхимович Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан Тошкент шаҳри ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль




• Суратда: сессия пайтида.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) сурати.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди, деди Президент. Миллий давлатчилигимизни, кўп асрлик маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизни қайта тиклаш борасида сезиларли қадамлар қўйилди. Қисқа қилиб айтганда, ўз тараққиёт йўлимизни аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Жамиятимизнинг мутлақо янги асослари шаклланмоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаряпти. Хусусий мулкчиликка асосланган, кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётир. Жаҳондаги энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига хос молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз, деди Президент Ислом Каримов, миллий валютамизнинг муомалага киритилиши хусусида тўхталиб. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган. Қолаверса, миллий пулга эга бўлиш улкан саодат. Энди ҳамма гап ана шу саодатнинг қадрига етишда.

Тўғри, пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин заҳираси билан таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар билан белгиланади. Аммо унинг яна бир муҳим омили борки, бу — ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг кучқудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз — миллий ғуруримиз демакдир.

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, илмий ва маданий маркази, бошқача қилиб айтганда, унинг юрагидир. Шу сабабли Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республика ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакат ҳам қудратли бўлади, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади. Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар. Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади. Шаҳарликларнинг заҳматкаш қўллари билан зилзила вайроналари ўрнида қад кўтарган Тошкент афсоналардагидек ёшариб ва яшнаб кетди, бутун кўрки, чиройи, муҳташамлиги билан чинакам шарқ дарвозасига айланди, деди Ислом Каримов. Сизларнинг заковатингиз билан саноатда, бошқа муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Низо ва адоватларга чек қўйиш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ва тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби савобли ишларга бош-қош бўлгани туфайли "Тошкент руҳи" деган тушунча туғилди ва бутун дунёга тарқалди. Бугун ҳам бу руҳ тирик. У тобора янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкентдек шаҳри азимнинг талаб ва эҳтиёжл рига ҳамиша катта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шуйдай бўлиб қолади. Масалан, шаҳар жамоат транспортига янги автобус, трамвай ва троллейбуслар сотиб олиш учун мунтазам равишда валюта маблағлари ажратилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат бюджети ҳисобидан қопланяпти.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан биридир. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бунинг оқибати бутун халқ хўжалигида сезилади, дея таъкидлади Ислом Каримов. Шундай экан, пойтахт саноатининг барқарор ишлаши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил кўпайтириб бориш энг долзарб вазифадир. Кейинги йилларда шаҳар корхоналарида бирмунча ижобий силжишлар рўй берди. Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Туркия, Хитой каби мамлакатлар ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, уларнинг кўпи ҳозир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Лекин бу шаҳар саноатчиларининг ҳамма ишлари жойида экан, дегани эмас. Ачинарли жойи шундаки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати мажмуи корхоналарида энг асосий маҳсулотлар — экскаватор ишлаб чиқариш 84,3, компрессорлар 57,2, пахта териш машиналари 58,3, тракторлар 85,9 фоизга тушиб қолди.

Тошкент шаҳрида ҳозир 70 дан зиёд корхона зарар кўриб ишламоқда. Лекин шаҳар ҳокимлиги бу борада бирон бир таъсирли чора кўрмаётганини, амалий таклиф киритмаётганини қандай баҳолаш керак? Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги ҳам тошкентликларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Савдо шохобчаларида, бозорларда тартиб жуда секинлик билан ўрнатилаётир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам ниҳоятда суст амалга оширилмоқда.

Шу ўринда яна бир марта раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади, деди Президент. Чунки ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. Раҳбарлик, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олиши зарур. Раҳбар деган ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрт равнақи йўлида елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, коррупция, порахўрлик ва рэкетга қарши бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим. Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак. Тошкент аҳли азалдан меҳнаткаш, бир сўзли, оқибатли, бағрикенг, юрт ва миллат учун бутун борлиғи билан хизмат қилишга қаттиқ бел боғлаган фидокор инсонлардир. Ишончим комилки, улар йўл қўйилган хато ва камчиликларни биргаликда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан бартараф этадилар. Тошкентни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирадилар, деди Президент пиравардида.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Козим Тўлаганов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Собир Раҳимов тумани ҳокими Ҳ.Абдураимов, Шайхонтоҳур тумани ҳокими А.Миржалилов, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи директори В.Карлов, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Ш.Миралимов муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Сессияда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош Вазир ўринбосарлари қатнашди.

***

Республика Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқининг тўла матни газеталарнинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

**ЎзА.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк инфраструктурасини янада ривожлантириш ва банклар иши самарадорлигини халқаро стандартлар талаблари даражасига кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Барча тижорат банклари, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги тижорат банклари, шунингдек, чет эл банкларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари ва ваколатхоналари 1996 йил 1 январгача бюджетга иловага мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бўшатилаётган маблағлар банклар томонидан:

Банк ички локал компьютер тармоқлари ва филиаллараро модем алоқа линиялари барпо этишга, банк операцияларини автоматик қайта ишлаш ва ҳисобга олиш бўйича замонавий дастурларни ишлаб чиқиш ва сотиб олишга;

Нақд пулларни ҳисобга олиш ва инкассация қилишни автоматлаштиришни таъминловчи электрон почтани жорий этишга;

Банклараро ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини яратишга;

Моддий-техника базани мустаҳкамлашга, филиаллар ва алмаштириш пунктлари тармоғини кенгайтиришга;

Ҳорижий маслаҳатчиларни жалб этишга;

Банк ходимларини ўқитиш ва тайёрлашни ташкил этишга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси банк инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин ҳамда йилнинг ҳар чорагида Республика ҳукуматига ахборот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда солиқ солиш масалалари бўйича йўриқномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 июль

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига

ИЛОВА

### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ 1996 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГАЧА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР РЎЙХАТИ

1. Корхоналар даромадидан олинадиган солиқ
2. Корхоналар мол-мулкига солинадиган солиқ
3. Ер солиғи
4. Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ
5. Аммортизациядан 20 фоизли ажратмалар

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## РЕСПУБЛИКАДА ДОРИ-ДАРМОНЛАР СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Дори-дармонларни сотишда тегишли тартибни таъминлаш, улар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва республика аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида:

1. Дори-дармонлар сотишга махсус рухсатномалари — лицензиялари бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларнинг дори-дармонлар ҳамда тиббий буюмлар сотиши тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармонлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар фақат дорихона муассасаларида сотилишини назарда тутган ҳолда дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотишнинг ҳозир амалда бўлган қоидаларини бир ҳафта муддат ичида қайтадан кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

Дори-дармонлар сотишга махсус рухсатномалар — лицензиялар бериш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларини бузиш фактларига, шунингдек, уларни дорихона муассасаларидан ташқарида — бозорларда, кўчаларда, жамоат жойларида ва уйларда сотиш ҳолларига қатъиян чек қўйсинлар. Дори-дармонлар сотишда белгиланган қоидаларга риоя қилмаётган шахслар қатъий жавобгарликка, шу жумладан, жиноий жавобгарликка тортилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва прокуратураси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида дори-дармонлар сотиш борасида белгиланган қоидаларни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" давлат-акционерлик уюшмаси аҳолига дори-дармонлар сотиш қоидаларига риоя этилиши учун дорихона муассасалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини оширсинлар.

Белгилаб қўйилсинки,

Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларини бир марта бузганлиги учун дорихона муассасаси раҳбарига ҳайфсан эълон қилинади, такрорий бузган тақдирда эса айбдор ишдан бўшатилади;

Хусусийлаштирилган дорихона муассасаси раҳбари қоидаларни бир марта бузганида унга жарима солинади, такрорий бузган тақдирда эса дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотишга берилган лицензиядан белгиланган тартибда маҳрум этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" давлат-акционерлик уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда чегараланган чакана нархларда сотиладиган энг муҳим дори-дармонлар ва тиббий буюмларнинг зарур турлари рўйхатини тасдиқласинлар. Ҳар бир дорихона муассасасида шундай рўйхат осиб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" уюшмаси ва республиканинг дорихона муассасалари раҳбарлари зиммасига дори-дармонларнинг зарур турлари мавжудлигини ва улар республика аҳолисига эркин тарзда сотилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

Бошқа дори-дармонларга ва тиббий буюмларга эркин нархлар жорий этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дори-дармонлар ва тиббий буюмлар ҳарид қилиш учун пул маблағларини, жумладан, чет эл валютасини қидириб топсинлар ҳамда "Дори-дармон" давлат-акционерлик уюшмасининг ҳудудий бўлинмаларига ажратиб берсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида "Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ҳамда уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 июль

